


94.
F-29.

Я.Х.Ғаффоров


ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ



94.
F-29.

Я.Х.Ғаффоров

ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ



94.

F-29.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Я.Х.Ғаффоров

ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Дарслик

—7296—

Сканер



ТОШКЕНТ
«ISHONCHLI HAMKOR»
2021



УДК 94(075.3)
КБК 63.3я7
F 29

Ғаффоров Я.Х.

Тарих ўқитиш методикаси [Матн]: дарслик / Я.Х. Ғаффоров.
– Тошкент: «ISHONCHLI NAMKOR», 2021. – 268 б.

Масъул муҳаррир:

Ж.Н.Абдурахмонова – тарих фанлари номзоди, доцент.

Тақризчилар:

Э.З.Нуриддинов – тарих фанлари доктори, профессор.

Х.Э.Юнусова – тарих фанлари доктори, профессор.

О.Н.Носиров – тарих фанлари номзоди, доцент.

Мазкур дарслик тарих ўқитиш методикаси самарадорлигини ошириш муаммолари амалий жиҳатдан умумлаштирилган ва Ўзбекистон Республикасининг илғор мактаблари ҳамда олий ўқув юртлари тарих ўқитувчилари иш тажрибаларида синаб кўрилган экспериментал, илмий методик ва педагогик ишлар натижасидир.

Дарслик Олий ўқув юртлари тарих таълими (5110600-Тарих ўқитиш методикаси) йўналиши бакалаврият босқичи талабалари, шунингдек умумий ўрта махсус касб-хунар таълим билим юртлари ўқитувчилари учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 110-сонли буйруғига асосан дарслик сифатида нашр этишга рухсат берилган.

ISBN 978-9943-7090-4-1

© Ғаффоров Я.Х., 2021.

© «ISHONCHLI NAMKOR», 2021.

КИРИШ

«Мен барчангизни тарихни ўрганишда янада уйғоқ, янада фаол бўлишга чақирмоқчиман. Тарихга сергак қараган одамгина доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшайди. Бугунги вазиятга ҳам келгуси жсараёнларга ҳам ҳолис ва ҳаққоний баҳо бера олади. Бу эса ҳозирги мураккаб ва шиддатли замонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, юксак тараққиётга эришишнинг энг муҳим шартидир»¹.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилиниши ўзбек халқининг маънавий ва маърифий ҳаётида бутунлай янги бир даврни бошлаб берди. Шу боисдан ҳам «Ўзбекистон халқлари тарихи» фани ёшларимизга таълим-тарбия асосларини давр талаби даражасида олиб беришда алоҳида аҳамият касб этади.

Ватанимиз тарихини ўрганиш ёшларни авлодларимизнинг кўп минг йиллик маданий ва маънавий мероси, уларнинг жаҳон илмий тафаккури ва маданияти тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси билан таништириш, маданиятимиз беназир алломалари номларини ҳурмат билан тилга олиш, улар билан фахрланишга, миллий ифтихор тарбиясини амалга оширишга ёрдам беради.

Таълим тизими ривожланишининг бугунги кундаги босқичида жаҳон мамлакатларида жумладан, АҚШ, Япония, Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Корея ва Европанинг иқтисодиёти ривожланган бошқа давлатларида таълимнинг ташкилий ва бошқарув тузилмалари, уларнинг ривожланишларига муҳим аҳамият қаратилиб келинмоқда. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида мамлакат умумий бойлигининг 16 фоизи моддий капиталга, 20 фоизи табиий бойликлар, 64 фоизи эса инсон капиталига тўғри келади, бу эса ўз навбатида, таълим тизимини ривожлантириш

¹ Шавкат Мирзиёев. Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Тошкент: Ўзбекистон, 2019, 3-жилд. –Б.147.

ва таълим тизимини бошқаришдаги жараёнларда замонавий менежмент ҳамда унинг тамойилларига амал қилиш масалаларига катта эътибор қаратилаётганлигини кўрсатади. Ҳатто, Германия ва Япония каби ривожланган мамлакатлар миллий бойлигининг 80 фоизини инсон капитали ташкил этади¹. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари бошқариш назарияси ривожланишнинг ҳар бир босқичида инсон капитали, шахснинг камол топиши, ёш авлодни тарбиялашга доимо олимлар, изланувчилар, тадқиқотчилар, амалиётчилар ва кенг жамоатчилик томонидан алоҳида эътибор бериб келинмоқда².

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, дарҳақиқат, “Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни, бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади.

Бинобарин, инсон капиталига эътиборни кўчайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт”³

Мамлакатимизда Халқ таълими тизимида давлат бошқарувини такомиллаштириш, вазирлик фаолиятини умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим тизимини ривожлантиришга йўналтириш, таълимнинг бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини ҳамда масъулиятини ошириш, ўқув-тарбия жараёнига илғор педагогик ва АКТларини самарали жорий этиш орқали

таълим сифатини таъминлаш соҳаларига оид бир қатор президент ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди¹.

Замонавий жамиятда таълимнинг ривожланиши ва бу соҳада инновацияларни ривожлантиришдан иборат бўлиб, бунда таълим тизимидаги инновацион бошқарув амалиётларини жорий этиш ва уларнинг муваффақиятли намуналарини тарқатишга ёрдам беради. Инновацион жараёнларни бошқариш эса давлат таълим сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, уни айти пайтда олимлар, сиёсатшунослар ва жамоатчилик орасида муҳокамалардан ўтказилиб келинганлиги айти муддаодир.

Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларни ҳосил қилишдан иборатлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин, афсуски, амалда, тажрибамизда унга риоя қилмаймиз. “Мустақил фикрлаш катта бойликдир”²

Демократик жамиятда ҳар бир фуқаро, биринчи галда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмасалар, таълим самараси паст бўлиши табиий.

Зеро, республикамизнинг “Миллий дастури”да алоҳида қайд этилганидек, - “*Юқори малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги, сифатли ўқув-услугий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали*

¹ Таълим бўйича Бутунжаҳон форуми. Якуний ҳисобот.-Дакар, Сенегал: 2000. 26-28апрель.

² Мухамедов Ғ., Ходжамкулов У., Тоштемирова С. Педагогик таълим инновацион кластери. –Тошкент: Университет, 2020.-Б.102.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги // 28.12.2018//<http://uz.uz>

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сон фармони 2018 йил 5 сентябр; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони. 2017 йил 7 февраль; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПК-3304-сонли қарори, 2017 йил 30 сентябр; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори, 2017 йил 6 апрел.

² Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент: Шарқ, 1997, -Б.8-9.